

ЖИЛОНЖИЙДА МЕВАСИДАН ҚУРУҚ ЭКСТРАКТ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

А.М. Усуббаев, А.А. Расулов М.У. Усуббаев

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон
Республикаси

Жилонжийда Ўзбекистонда дарахт ва бута холида кенг тарқалган ўсимликдир. Жилонжийда меваси халк табобатида артериал босимни туширувчи восита сифатида кенг қўламда ишлатилади. Ўзбекистонда жилонжийдани асосан 2 тури учрайди. Маъданиятлаштирилгани ва ёввойи жилонжийда. Ёввойи жилонжийдада флавоноидлар миқдори кўп бўлиб, гипотензив (антиартиреал) хоссаси юқори бўлади. Биз маъданийлаштирилган жилонжийда мевасидан қуруқ экстракт олиш, уни сифатини баҳолаш ва келажакда ундан таблетка дори турини яратиш ва сифатини баҳолашни ўз олдимишга мақсад қилиб қўйдик.

Ишни биринчи босқичида жилонжийда уруғидан ажратилди ва қуритгич жавонларида 50-60⁰С да қуритилди. Алоҳида Исломгулов М.Х. асбобида майдаланди; 0,5-1,0 мм ли элак орқали ўтказилди. Сўнгра жилонжийда мевасини ҳар 100 гр га 5 л тозаланган сув солиб, 3 соат давомида қайнатилди. Суюқлик қуйиб олинди. Қолдиққа яна 3 л сув қуйиб, 2 соат қайнатилди; Ажратма яна қуйиб олинди, қолдиққа 1 л сув қуйиб 1 соат давомида қайнатилди. Ажратма қуйиб олинди, қолдиқ сиқилди. Ажратмалар бирлаштирилди ва 10⁰С дан юқори бўлмаган ҳароратда 4 кунга қолдирилди. Суюқлик ёт моддалардан филтрлаш орқали тозаланди. Олинган ажратмалар сув ҳаммомида қуюқ концистенциягача буғлатилди. Сўнгра вакуум қуритгич жавонида 50⁰С да қуритилди. Қуритилган масса ҳавончада майдаланди, 0,3 мм элакда эланди ва тайёр маҳсулот институт қошидаги стандартизация марказига стандартлаш учун топширилди. Жилонжийда қуруқ экстракти тўқ қўнғир рангли кукун бўлиб, ўзига хос ҳидга ва таъмга эга. Кузатишлар шуни кўрсатдики, қуюқ экстракт деярли гигроскопиклик хоссасини намаён этмади. Бу келажакда таблетка дори тури яратиш учун ижобий аҳамиятга эгадир.